

ЎРТА МАКТАБДА ТАСВИРИЙ САНЪАТ ДАРСЛАРИДА МАВЗУ АСОСИДА РАСМ ЧИЗИШ ЖАРАЁНИДА ЭСТЕТИК ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ

Кадирова Нозима Арифовна
Бухоро давлат университети

Аннотация: Ушбу мақолада ўрта мактабларда тасвирий санъат дарсларида мавзу асосида расм чизиш жараёнида эстетик тарбия бериш орқали борлиқни яхши тушуниш, кишининг ички дунёсини чуқурроқ англаш каби инсоний муносабатлар ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: фантазия, малака, сюжет, уфқ чизиги, кўриш нуқтаси, иллюстратив расм

РОЛЬ ЭСТЕТИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ В ПРОЦЕССЕ ТЕМАТИЧЕСКОГО РИСУНКА НА УРОКАХ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА В СРЕДНЕЙ ШКОЛЕ

Кадирова Нозима Арифовна
Бухарский государственный университет

Аннотация: В данной статье размышляются такие человеческие отношения, как лучшее понимание существования и более глубокое понимание внутреннего мира человека путем обеспечения эстетического воспитания в процессе рисования на основе темы на уроках изобразительного искусства в средней школе.

Ключевые слова: фантазия, мастерство, сюжет, линия горизонта, точка зрения, иллюстративная картина.

THE ROLE OF AESTHETIC EDUCATION IN THE PROCESS OF THEMATIC DRAWING IN FINE ARTS LESSONS IN SECONDARY SCHOOL

Kadirova Nozima Arifovna
Bukhara State University

Abstract: This article reflects on human relationships such as better understanding of existence and deeper understanding of human inner world by providing aesthetic education in the process of theme-based painting in high school fine arts classes.

Keywords: fantasy, craft, plot, horizon line, point of view, illustrative picture

Кириш. Эстетик тарбия ўқувчиларнинг борлиқни яхши тушунишларига, кишининг ички дунёсини чуқурроқ англашларига ёрдам беради, уларни гўзаллик дунёси билан таништиради. Эстетик тарбияланган болалар санъат асарларидаги, табиатдаги инсоний муносабатлар ва меҳнатдаги гўзалликни ҳис қила олади. Гўзаллик кишининг ақлига, қалбига таъсир этиб, унинг маънавий дунёсини бойитади. Хуллас, эстетик тарбия жараёнида ўқувчиларнинг қарашлари, ҳис-туйғулари, диди ва идеали шаклланади.

Юксак бадий савияда яратилган санъат асарлари билан танишиш бадий дидни ўстирибгина қолмай, у болаларнинг бадий фикр доирасини, ижодий фантазиясини кенгайтиради.

Методларни ўрганиш даражаси. Ўқувчи қандай қобилиятга эга бўлмасин, уни кўзгатиш, тарбиялаш ва ривожлантириш керак булади. Кейинчалик эса бу ижодий меҳнатга ҳам самарали таъсир кўрсатиши мумкин. Шу маънода тасвирий санъат дарсларида мавзу асосида расм чизиш муҳим амалий аҳамиятга эгадир.

Мактабда мавзу асосида расм чизиш жараёнида эстетик тарбиянинг вазифалари қуйидагилардан иборат;

Ўқувчиларнинг эстетик идрок этиш қобилиятларни ўстириш, уларни табиат, санъат ва ҳаётдаги гўзалликларни идрок этишга ўргатиш.

Ўқувчиларнинг эстетик дидини тарбиялаш, уларни гўзалликни баҳолай олиш, ҳақиқий гўзалликни хунук воқеа ва нарсалардан фарқлай билишга одатлантириш.

Ўқувчида ўз истеъдодини намоён қила олишга бўлган иштиёқни, ижодийликни тарбиялаш, ўстириш. Болаларнинг бадий фикр доирасини кенгайтириш.

Мактабда ўқитиладиган ҳар бир фаннинг ўзига яраша мақсади ва вазифалари бўлиб, уларнинг ўқувчининг ҳар томонлама шаклланишида роли катта. Мазкур фанларнинг ўқитилмаслиги ёки методик жиҳатдан паст савияда ўтилиши бола маънавий ҳаётига салбий таъсир этмай қолмайди.

Мактабдаги тасвирий санъат дарслари ёш авлоднинг ҳар томонлама ва тўла шаклланишини учун зарур булган муҳим омил ҳисобланади. Тасвирий санъат дарсларидаги жараёнлар, хусусан, мавзу асосида расм чизиш машғулотларнинг вазифаси қуйидагилардан иборатдир: ўқувчиларда фанларнинг вазифаси, шакли, ранги ва бошқа сифатларини эътиборга олган ҳолда фаннинг ва табиат ҳодисалари ҳақидаги гўзаллик тушунчаларни шакллантиришдир.

Мавзу асосида расм чизиш билан боғлиқ бўлган кузатишнинг дастлабки, малакаларини ривожлантириш; расм учун ниҳоятда қизиқарли сюжет танлай олишга ўргатишдан иборат.

Расмни умумий схемадан бошлаб, ундаги асоси нарсани фарқлаган, алоҳида бўлақларга бўлиниш орасидаги боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда компоновка қилиш ва уни қоғоз бетида тўғри жойлаштиришга ўргатиш. Бу нарса фақат унинг ўлчовлари учун таалуқли бўлибгина қолмай, балки шакллар ва ранг бирикмаларнинг мувозанатини қоғоз бетида тўғри сақлашга ҳам тегишлидир.

Мавзу асосида расм чизишда нарсаларни фазовий ҳолатда тасвирлай олиш малакаларини шакллантириш, уларнинг кўздан ўзоклашган сари қисқаргандек туюлишини тушунтириш, «уфқ чизиги», «кўриш нуктаси» ва бошқа тушунчалар билан таништириш ва улар орқали кузатиш перспектива ҳодисаларнинг мазмунини очиб бериш зарур.

Мавзу асосида расм чизишда фанлар тузилишининг ўзига хос хусусиятларини ва предмет бўлақларини, шунингдек предметлар ўртасидаги нисбатларни ҳисобга олган ҳолда тасвирлаш малакаларни шакллантириш учун расмда одам шаклининг тузилиши имкони борича тўғри тасвирлашга ўргатиш зарур.

Услубшунос олимлардан Е.В.Шорохов «Мавзу асосида расм чизиш машғулотларнинг тарбиявий вазифаларига қуйидагиларни киритади:

-Бадий дидни тарбиялаш;

-Тасвирий санъатни, ҳаётни кузатишга қизиқиш ва уларга нисбатан муҳаббат уйғотиш; қобилиятни ўстириш;

-Тасаввурларни ижодий қайта ишлаш малакаларини ўстириш;

Шунингдек, бошланғич синфлар тасвирий санъат дастурларида мавзули расм чизишнинг бир қатор формалари белгиланган бўлиб, улар бевосита эстетик тарбия билан боғлиқдир.

Мавзу асосида расм ишлаш жараёнида расмни қоғоз бетида тўғри жойлаштириш, сурат композициясини аниқлаш, суратдаги образларни ифодалаш каби барча ишлар ҳақида ҳам худди шу гапни айтиш мумкин.

Умумтаълим мактабларида эстетик тарбияни такомиллаштириш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Натижада мактабларимизда фанларнинг ўқитилиши бир мунча яхшиланди ва шу фанларга оид синфдан ташқари ишларда бир қатор ижобий натижаларга эришилди.

Хусусан, тасвирий санъат дарсларида биринчидан, тасдиқланган йиллик иш режа ва директор ёки ўқув ишлари бўлимининг мудир томонидан тасдиқланган дарс режа ва конспекти асосида дарс олиб боришга эришилган бўлса, иккинчидан, дарсларнинг кўргазмалилик асосида ўтказилишига алоҳида эътибор берилди бошланди, баъзи бир ўқитувчиларимизни мавзу асосида расм чизиш дарсларида («Баҳор», «Куз» мавзуларига оид) болаларни табиат манзараларини кузатиш учун экскурсияга олиб чиқадиган бўлдилар. Мавзу асосида расм чизиш жараёнида ўқитувчиларимизнинг яна бир нарсага ўз эътиборларини қучайтиришди. У ҳам бўлса, дарсда болалар томонидан чизилган расмларнинг таҳлилини уюштиришдир. Дарсда чизилган расмларни тез-тез таҳлил қилиб туриш, биринчидан, болаларнинг бадий дидини ўстиради, иккинчидан, уларнинг активлигини оширади, учинчидан, расмлардаги камчиликларни бартараф этишга ёрдам беради.

Тадқиқот натижалари. Ўқитувчиларнинг бадий дидини ўстириш ва тасвирий санъатга бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида ташкил этилаётган расмлар кўриги ҳам бошланғич синф ўқитувчиларнинг шу соҳада қўлга киритган ютуқларидан ҳисобланади.

Дарс жараёнида болалар расмларини таҳлил қилишнинг ўқувчиларни эстетик руҳда тарбиялашда аҳамияти каттадир. Таҳлил вақтида болаларга кўрсатилаётган расмлар юзасидан саволлар берилди. Масалан: «Мана бу расм чиройлими?», «бу расм сизга ёқадими?», «Нега ёқади ёки ёқмайди?», «Бу расмнинг қандай ютуқ ва камчиликлари бор?» ва бошқалар. Бериладиган саволлар, биринчидан, ўтилган материалларни мустақамлашга, мавжуд хатоларнинг бартараф этилишига ёрдам беради, иккинчидан, болалардан бадий асарлар ҳақида мустақил фикр юритишларига имкон яратади. Шундай имкониятлар борлигига қарамай, таълим ва тарбиянинг бундай методларидан ҳамма ўқитувчилар ҳам етарлича фойдаланмаётлар.

Кўпчилик ўқитувчиларимиз эстетик тарбияни беришни бир ёқлама олиб борадилар. Уларнинг

баъзилари чизиладиган расмга кўпроқ эътибор бериб, ўқувчиларнинг иш жойи ўқув қуролларига етарли эътибор бермайдилар. Бошқа ўқитувчи эса ўз эътиборини асосан синф ва болаларнинг тозалигига қаратади. Ҳолбуки, тасвирий санъат дарсларида кичик мактаб ёшидаги болаларнинг ёш ва психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олмай, умуман тасвирий санъат дарсининг барча элементларига риоя қилмай туриб, тўлақонли амалга ошириб бўлмайди.

Кўпчилик мактабларда кузатиладиган дарслар шуларни кўрсатадики, ўқитувчилар кўпчилик ўқувчиларга мавзу асосида чизган расмлари учун «4» ва «5» баҳо қўйганлар. Ҳақиқатда эса бу расмлар қоникарсиз ишланган расмлардир.

Расмларни баҳолашда ўқувчиларнинг ўзларини жалб қилиш яхши натижалар беради. Бундай ҳолларда болалар ўртоқларини кўрибгина қолмай, ўз дидларини ҳам ўстиришади. Бунда ўқитувчи болаларни ўзларининг расмларидаги ижобий ва салбий томонларни кўра билишга ўргатади. Болалар ўзларига объектив талабалар кўя олишни ўрганадилар. Ўқувчиларда бадиий ижодий қобилиятни ўстиришда мавзу асосида расм чизиш машғулоти айниқса кўл келади. Бундай машғулотлар ўз мазмунига кўра асосан ўқувчиларда ижодий қобилиятни ўстиришга қаратилган. Бироқ мактаб тажрибасида мавзу асосида расм чизиш машғулотларнинг бундай вазифаларига эътибор берилмаяпти. Кўпчилик ўқитувчиларимиз машғулотларни расм намуналаридан кўчириш асосида олиб бормокдалар. Ўқувчилар мавзу асосида расм чизиш машғулотида ўқитувчининг доскада ёки коғозда чизиб берган расмларидан кўчириш билан чегараланиб қолмоқдалар. Булар бошланғич синф ўқитувчилари учун эстетик тарбияга оид қўлланмалар, дарсликларнинг етарли эмаслиги, республика газети ва журналларида ана шу масалага оид мақолаларнинг кам ёритилганлиги билан изоҳланади, албатта.

Ҳуллас, мавзу асосида расм чизиш машғулоти ўқувчиларни эстетик руҳда тарбиялашда катта имкониятларга эга. Ўқувчилар мавзу асосида расм чизиш машғулотларининг икки тури юзасидан иш олиб борадилар:

- а) теварак-атрофдаги ҳаётни ўзида акс эттувчи мавзуларга расм ишлаш;
- б) адабий асарлар сюжети асосида расм ишлаш.

Машғулотнинг бу турларида ўқувчилар расмни натурадан эмас хаёлдан ва тасаввурдан ишлайдилар. Хаёлдан ва тасаввурдан ишланадиган расм нарсанинг ўзига қараб расм ишлашга қараганда анча мураккаб бўлиб, у ўқитувчидан катта масъулият талаб этади. Бу масъулият дарс учун зарур бўлган ҳамма адабиётларни ўқиш, адабий асарни ва унга тегишли бўлган объектларни яхши ўрганиш, шунингдек, дарс режасини ишлаб чиқиш ва боларга бериладиган билим, малака ва кўникмалар ҳажмини аниқ белгилаб олишдан иборатдир. Шунинг, тематик расм чиздирилляётганда болаларни расм тасвирланиши керак бўлган объект билан таништириш, ундаги баъзи бир нарсаларнинг хомаки расмини ишлатиш лозим бўлади.

Адабий асарларга иллюстрация чизиш ўқувчиларнинг энг қизиқарли машғулоти бўлиб, у ҳам мураккаб композицияни тасвирлашга алоқадор бўлган маълум қийинчиликлар билан боғлиқдир. Болалар иллюстратив расм устида ишлар эканлар, эртак, хикоя, масалдаги қаҳрамонлар образларини ўз расмларида тасвирлашга ҳаракат қиладилар.

Адабий асарлардан иллюстрация чизиш ўқувчиларнинг энг қизиқарли машғулоти бўлиб, у ҳам мураккаб композицияни тасвирлашга алоҳида бўлган маълум қийинчиликлар билан боғлиқдир. Болалар иллюстратив расм устида ишлар эканлар, эртак хикоя, масалдаги қаҳрамонлар образларини ўз расмларида тасвирлашга ҳаракат қиладилар. Адабий асарлардаги қаҳрамонларда бўлган интилиш кўпинча турли хил қийинчиликларга олиб келади. Бу қийинчиликлар у ёки бу воқеа, объект, нарсалар тасвирини яхши тасаввур қила олмаслик, баъзи бир мураккаб шаклдаги объект ва нарсаларнинг тузилиши ва шаклини тасвирлаш малакаларининг етишмаслигидан иборатдир.

Замонавий мавзуларда ёки халқ дostonлари, эртакларига расм чизиш учун аввало, болалар шу мавзуга оид одам, ҳайвон расмлари ва баъзи бир нарсаларнинг ўзига қараб расмини чизадилар. Турли халқ эртаклари, масаллар ва бошқа шу каби адабий асарларга иллюстрация ишлаш машғулотида ўқувчиларга асардаги воқеа содир бўлаётган мамлакат ёки даврнинг маданияти ва турмушининг ўзига хос хусусиятлари, кийим-кечаклари, меъморчилиги, уларнинг характерли томонлари ҳақида сўзлаб бериш ва кўрсатиш керак бўлади.

Теварак-атрофдан олинган мавзуларга расм чизишда ўқувчилар йил фасллари, байрамлар, ўйинлар, мактаб боғидаги ишлар билан боғлиқ кўриниш ва воқеаларни тасвирлайдилар. Чунки теварак атрофни тасвирлаш ўз характери билан хаёлдан расм чизиш ҳисобланади, табиатни ва у билан боғлиқ бўлган воқеаларни мақсадга мувофиқ кузатишга асосланади.

Мавзу асосида расм чизиш машғулотларининг муваффақиятини ўқитувчининг сюжетли расмга болаларни қанчалик қизиқтира олишига, уларнинг ижодий тафаккурини қанчалик активлаштира олишига ниҳоятда боғлиқдир. Ана шу мақсадда ўқитувчи мавзуга оид шеърлардан, сурат репродукцияларидан, китоблардаги иллюстрациялардан, болалар ишлаган расмлардан фойдаланиб суҳбат ўтказди. Шунингдек, болалар томонидан чизилиши лозим бўлган объектнинг ўзига караб ишнинг муваффақиятини таъминлайди. Бундай кузатишлар табиатга қилинган саёҳатлар ёки болаларни қисқа вақтга кўчага олиб чиқиш жараёнида амалга оширилади.

Саёҳат пайтида ўтказилган суҳбатда ўқитувчи нарсаларнинг тузилиши ёки предметларнинг конструкцияси, уларнинг ранги, фазовий ҳолатлари ҳақида тўхталади. Машғулотларда болаларга нарсаларнинг, фазовий ҳолатларнинг моҳиятини тўғри тасвирлашни ва тасвирлаш воситаларини тушунтириш, расмлар асарларнинг репродукцияларни кўрсатиш ниҳоятда фойдалидир. Масалан, болаларга чизувчига нисбатан турли хил узокликда жойлашган нарсаларнинг асосини қоғоз бетиде қандай жойлаштириш лозимлигини тушунтириш учун В.И.Левитаннинг «Олтин куз» суратини кўрсатиш мумкин. Бу суратда яқинда жойлашган дарахтларнинг асоси ўзокда жойлашган дарахтларнинг асосига қараганда пастрокда тасвирланган. Шунингдек, бу сурат таҳлили расмда бир предметни иккинчиси тўсиб қолиши ҳодисасини яққол кўрсатиш имконини беради. Бу ҳодисалар

Ў.Тансиқбоев «Иссиқ кўл», Б.Бобоевнинг «Фарғона сюитаси» картинаси ва бошқа бир қатор картиналарда яққол ташланади. Ўқувчиларни иллюстрация ишлашга тайёрлайдиган воситалардан бири ўқитувчи томонидан турли-туман кўرғазмалар материаллар-эртақ мазмуни ёки ундаги образ ва объектлар билан боғлиқ бўлган ранглар, рангли иллюстрацияларни, ҳайвон ва қушларни тасвирловчи тулумлар ва ўйинчоқлар, одам ва ҳайвонларни тасвирловчи расмларни кўрсатишдан иборатдир. Бундай кўрғазмалар материаллар адабий асар мазмунини таҳлил қилиш жараёни намойиш этилади. Бирок, кўрғазмалар материаллар ўқувчилар ижодий ташаббусини чеклаб қўймаслиги лозим. Шунинг учун кўрсатилган расм ва иллюстрациялар ўқитувчининг тушунтиришидан сўнг дарҳол доскадан олиб, яшириб қўйилиши лозим бўлади.

Одам ва ҳайвон, дарахт кўринишлари тасвирланган кўрғазмалар эса ёрдамчи материал сифатида синф доскасида қолиши мумкин. Дарсга ажратилган вақтдан унумли фойдаланиш учун у ёки бу адабий асарга иллюстрация ишлаш машғулотларини мазкур асарни ўқиш дасрларида ўрганилганидан сўнг ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Дарсларида ўқитувчини тасвирий санъат дарсида эртақни ўқиш, унинг мазмунини тушунтириш, образ ва объектларга характеристика бериш каби ишлардан халос этади. Маълумки, эртақ, масалларда ҳайвонлар одамларга ўхшатиб тасвирланади: улар ўзаро гаплашадилар, ўйнайдилар, одамларга хос турли ҳаракатларни бажарадилар. Эртақларда қуш ва ҳайвонлар одамларнинг ҳолатларида улар киядиган кийимларда тасвирланади. Буларнинг бари иллюстратив расм чизиш методикасига ижобий таъсир кўрсатади.

Тасвирий санъат, хусусан, мавзу асосида расм чизиш машғулотларида эстетик тарбияни тўлақонли амалга ошириш учун ўқитувчи унинг назарий асосларини пухта ўзлаштириб олиши лозим. Шунинг учун ҳам биз куйидаги эстетик тарбиянинг назарий масалалари ҳақида маълумот бериб ўтишни лозим топдик. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, эстетик тарбиянинг муҳим таркибий қисмларидан бири эстетик идрок этишни шакллантириш ва устиришдир.

Эстетик идрок этиш билиш назарияси муҳим ўринни эгаллайди. Идрок эркин, ихтиёрий жараён дир. У шахснинг активлигидан далолат беради. Идрок ўзида ижод элементларини ҳам акс эттириши мумкин. Идрок бир вақтнинг ўзида бирор-бир хабарни қайта ишлаш натижаси сифатида намоён булади. Идрокнинг моҳияти шундаки, у кишининг мустақил ҳаракатига туртки беради, билан ўзининг пассив эмаслигини кўрсатади.

Шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, дунёда идрок этилмайдиган нарса йук. Объектив дунёдаги барча нарса ва ҳодисалар диалетик муносабатларда ҳам гўзал, ҳам хунук тарзда идроки идрок этиш эстетик завқни келтириб чиқаради.

Эстетик завқ. У киши маънавиятини, эстетик қобилиятини ўстиради. Масалан, яшнаб турган гулзорни ёки ҳўзурбахш шабада эсиб турган кукламзорни кўриб кунглимиз завқ-шавққа тулади, жонажон улкамиз чиройини хаяжон билан кузатамиз, бу билан уни яхшироқ билиб оламиз, Ватанимиз табиати ҳақидаги тушунчамиз янада ёркинлашади.

Бундай завқланиш эстетик идрок қилиш қобилиятимизда намоён булади. Завқланиш гўзалликка бўлган дидимизни шакллантиради ва устиради. У бизни гўзаллик қонунлари асосида меҳнат қилишга

ундайди.

Эстетик туйғу ва дид кишининг борлиққа ва ўзининг шахсий фаолиятига булган специфик кечинмасидир. Бундай кечинма маънавий ва билиш фаолияти билан боғлиқдир.

Дид, хис-туйғуга қараганда доимийроқ ва чуқурроқ ҳодиса. Эстетик дидда зехн, онгли муносабат кучлироқ ва аниқроқ бўлади. Эстетик дид ўзида борлиққа, кишиларга ва турли ҳодисаларга бўлган муносабатни акс эттиради. Эстетик дид киши маънавияти билан боғлиқ. Шундай экан, эстетик диднинг даражаси у ёки бу шахснинг маънавий бой ёки қашшоқлигидан далолат беради. Яхши ривожланган эстетик дид гўзаллик ва хунукликни тўғри идрок этиш имконини беради.

Хулосалар. Эстетик ҳиссиёт, идрок этиш, дид бизнинг борлиққа бўлган муносабатимизнинг бузилмас бирлигини ташкил этади. Ана шу бирликнинг натижаси ўлароқ, оғзаки ва ёзма шаклда ифодаланадиган мулоҳаза пайдо бўлади. Эстетик мулоҳаза юритиш деганда, нарса ёки ҳодисани ва инкор этишни тушунамиз. Эстетик мулоҳаза юритиш натижасида эса эстетик баҳолаш келиб чиқади. Эстетик баҳолашда идрок этиладиган предмет ва ҳодисаларга муносабатимиз акс этади.

Эстетик баҳолаш кўпинча идрокнинг, айниқса чуқур кечинмаларнинг бевосита натижаси сифатида намоён бўлади. Бироқ уни ҳайратланиш, ажабланиш, мафтун бўлиш, завкланиш, ғамгинлик, ғазаб ва бошқа шу каби хис-туйғуларда ифодаланувчи қисқа вақтли реакциялардан фарқлай билиш керак. Эстетик баҳолашга тушуниб этишнинг натижаси деб қараш лозим. Биз кўп эшитиб турадиган, одатдаги «менга ёқади» ёки «менга ёқмайди» каби сўзлар ҳам реал булмаса-да, баҳолаш хисобанади.

Эстетик тарбиянинг биз юкорида шарғлаб ўтган таркибий қисмларини билиш мавзу асосида расм чизиш машғулотида эстетик тарбияни тўлақонли амалга ошириш имконини беради. Эстетик тарбия – янги кишини шакллантиришнинг энг зарур шарт ва муҳим воситаларидан, бинобарин, мамлакатимиздаги мафқўравий ишнинг масъулиятли жабхаларидан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Умумий урта таълим мактабларида тасвирий санъат таълими концепцияси. – Тошкент, 1995 йил. 98-101 бет.

2. Тасвирий санъат. Умумий урта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури – Тошкент: Шарк, 1999 йил. 57-58 бет.

3. Бакушинский А.В. Художественное творчество и воспитание. Исследования и статьи. – Москва: Сов. художник, 1981 йил. 15-18 бет.

4. Бойметов Б., Толипов Н. Мактабда тасвирий санъат тугараги. Тошкент, 1995 йил. 100-101 бет.

5. Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. Тошкент: Мехнат, 1994 йил. 23-24 бет.

6. Каменский А. Великая дидактика. Избр. пед. соч. Москва. 1995 йил. 66-68 бет.

7. Орипов Б. Тасвирий санъат ва уни уқитиш методикаси. Тошкент. Илм – Зиё. 2005 йил. 43-44 бет.

8. Ҳасанов Р. Мавзу асосида расм чизиш жараёнида эстетик тарбия. Тошкент. 1980 йил. 13-15 бет.